

**“Ўзмилийбанк” акциядорлик жамиятининг коррупцияга  
қарши курашиш соҳасида давлат органлари  
билан ҳамкорлик қилиш  
ТАРТИБИ**

**I. Умумий қоидалар**

1.1. Мазкур “Ўзмилийбанк” акциядорлик жамиятининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш Тартиби (кейинги ўринларда – **Тартиб**) Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг коррупцияга қарши курашиш йўналишида қабул қилинган Фармон ва Қарорларига, “Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ (кейинги ўринларда **Банк** деб юритилади) Уставига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда **Агентлик** деб юритилади) томонидан ишлаб чиқилган ва 2021 йил 8 сентябрда 3319–сон билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган Намунали низом талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

1.2. Тартибнинг асосий мақсади Банкда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун ҳужжатларида белгиланган давлат органлари (кейинги ўринларда **Давлат органлари** деб юритилади) билан ҳамкорликни таъминлаш ҳисобланади.

1.3. Тартиб доирасида Банк қуйидаги Давлат органлари билан ҳамкорлик қилади:

- Бош прокуратура;
- Давлат хавфсизлик хизмати;
- Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти;
- Ички ишлар вазирлиги;
- Адлия вазирлиги;
- Коррупцияга қарши кураш агентлиги;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра, қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш ва текшириш вазифаси юклатилган, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга ваколатли бўлган бошқа органлар.

1.4. Банк Давлат органлари билан қуйидаги **йўналишларда** ҳамкорлик қилади:

- “Ўзмилийбанк” АЖ Ахборот ва банк хавфсизлиги департаментининг

Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси ва унинг ҳудудий филиалларидаги Хавфсизлик, режим ва ахборотни ҳимоялаш бўлимлари  
Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўйича Бош мутахассисларининг коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

- банк соҳасида коррупция ҳолатларини тизимли таҳлил қилиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- Банк ички норматив ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш самарадорлигини таъминлаш;

- Банкда давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши назорат тизимини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

- Банкдаги коррупция жиноятларини тўхтатиш ёки тергов қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш;

- коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида Банкда фаолият юритувчи комплаенс назорат ходимларининг малакасини ошириш.

1.5. Ушбу Тартиб доирасида Давлат органлари билан ҳамкорлик Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш Агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 7 декабрдаги ПҚ-34 сонли Қарорига мувофиқ қуйидаги **шаклларда** амалга оширилади:

- коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида маълумот алмашиш;

- Банк ходимлари ва мижозлари томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича жиноят ишлари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар, шунингдек, коррупция фактларига муносабат билдириш бўйича кўрилган чоралар тўғрисида маълумот алмашиш;

- қонунчиликда ўрнатилган тартибда, Бошқарманинг Банк ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий жиноятлар тўғрисидаги сўровномаларига жавоб хатлари олиш;

- жамоатчилик эътиборини тортган коррупция тўғрисидаги фактларга оид мавжуд маълумотларни биргаликда ўрганиш.

1.6. Банк ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ўзаро ҳамкорлик жараёнида давлат сирларини, банк, тижорат ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ташкил этувчи маълумотларни ошкор қилмаслиги шарт.

1.7. Банкдаги алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида келиб тушган хабарлар билан ишлашнинг асосий тамойиллари, уларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш тартиби “Ўзбекистон Республикаси ташқи иктисодий фаолият миллий банки” АЖ таркибий бўлинмаларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти” билан белгиланган.

## **II. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги муружаатлар юзасидан ҳамкорлик**

2.1. Банкда коррупцияга қарши курашиш масалаларини мувофиқлаштирувчи ваколатли орган Ахборот ва банк хавфсизлиги департаментининг Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси (кейинги ўринларда **Бошқарма** деб



юритилади) ҳамда Банкнинг ҳудудий филиалларининг Хавфсизлик, режим ва ахборотни ҳимоялаш бўлимлари Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўйича Бош мутахассислари (кейинги ўринларда **Бош мутахассис** деб юритилади) бўлиб, уларнинг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари Банкнинг алоҳида ички меъёрий ҳужжатларида мустаҳкамланган.

2.2. Банк Бошқармаси (Бош мутахассиси)га ходимлар, жисмоний ва юридик шахслардан коррупциявий жиноят аломатлари мавжуд ҳолатлар юзасидан мурожаатлар келиб тушган тақдирда, ушбу мурожаатдаги фактлар “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ таркибий бўлинмаларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти” (2022 йил 13 январда 599-сон билан рўйхатга олинган, Банк Бошқарувининг 4-сонли Баёни) талаблари асосида ўрганиб чиқилади ва жиноят ва ҳуқуқбузарлик аломатларини тасдиқловчи ҳужжатлар (фото-видео, аудио материаллар, хизмат текшируви бўйича хулосалар ва бошқалар) илова қилинган ҳолда тегишли ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун йўналтирилади.

2.3. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Давлат органлари ҳамда бошқа давлат ташкилотлари томонидан Банк (ҳудудий филиал) манзилига юборилган тақдимнома ва бошқа юридик ҳужжатларни ижро этиш қонунчилик ҳужжатларида ўрнатилган муддатларда амалга оширилади.

### **III. Яқунловчи қоидалар**

3.1. Давлат органлари ва Банк маълумот алмашиш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиши мумкин.

3.2. Банкнинг Ахборот ва банк хавфсизлиги департаменти Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси Давлат органлар билан ҳамкорлик доирасида олган маълумотларни тўплайди, сақлайди, қайта ишлайди ҳамда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил қилиш мақсадида ушбу маълумотлардан фойдаланади.

3.3. Банк Ахборот ва банк хавфсизлиги департаменти Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси мазкур Тартиб ижросини ҳар йили таҳлил қилиб боради ва заруратга қараб алоқаларни янада такомиллаштириш бўйича ўз тақлифларини беради.

3.4. Ушбу Тартиб Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кучга